

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



НОВОСТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ наشري

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 2 (3426)

2002 йил 10 январь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

Барча ички ишлар идоралари ходимларини, Ички ва Қоровул Қўшинларининг барча офицер ва хизматчиларини, сержант ва аскарларини, фахрийларини 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунининг 10 йиллиги муносабати билан самимий қутлайман.

Мустақил юртимизнинг буюк келажаси, раванқи йўлида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳ-

камлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб бораётган машаққатли ва масъулиятли хизматингизда улкан зафарлар тилайман.

Сизларга, оила аъзоларингизга ва барча яқинларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички Қўшинлари ҳарбий хизматчиларига

Хурматли офицерлар!
Сержант ва аскарлар!

Бугунги кунда Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, халқимизнинг фаровон ва тинч ҳаёт кечиришларини таъминлашда Сизларнинг алоҳида хизматларингиз борлиги, ўз вазифаларингизни ўташга виждонан ва сидқидилдан ёндошиб, республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида юксак касб маҳоратларингизни намоён этиб келаятганлигингиз барчамизга маълум.

Ички Қўшинлар тузилганлигининг 10 йиллигини нишонлаётганлигингиз нафақат Сизлар учун, балки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган барча

ходимлар учун ҳам ўзгача мазмун, қувонч бахш этади.

Сизларнинг эл-юрт тинчлиги йўлидаги машаққатли, шу билан бирга олижаноб хизматларингизда омад, доимий жанговар шайлик, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шахсий ҳаётингизда оилавий бахт тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб Сизларни Ички Қўшинлар ташкил топган кунининг 10 йиллик шодиёнаси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, шахсий таркиби ва шахсан ўз номидан самимий муборақбод этаман.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

Бош муҳаррир минбари

АВЛОДЛАР РИШТАСИ МУСТАҲКАМ

Яқинда Ички Қўшинлар бўлинмаларидан бирига бордим. У ерда ўтган йили баҳорда армияга чақирилган кенжатоийни кўришга келган фарғоналик деҳқонни учратиб қолдим. Ёш аскарнинг уч акаси ҳам укаларидан хабар олгани отаси билан бирга келишган экан.

Акалар ўзлари ҳарбий хизмат ўтаган даврларида тўплаган тажрибаларини укалари билан ўртоқлашишга киришиб кетган чоғда менинг ҳам уларнинг отаси — Жўра ака билан гурунгим олайди. Ўтган-кетган, туриш-турмушдан бошланган суҳбатимиз унинг ўғилларига бориб тақалди. Уларнинг чекига мустақил Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячилари бўлиш тўғри келган экан.

Жўра аканинг ўзлари ҳам бир пайтлар армияда хизмат қилган эканлар. Ўша даврларни хотирлаб у киши шундай дедилар:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида кўп нарсга ўзгарди. Узоққа бориб ўтирмай, ҳарбий хизматни олайлик. Ёшлик кезларим шўро тузуми даврида ўзбекистонлик йигитларни асосан қурилиш бўлинмаларига олиб, юртимиздан олисдаги қийин ишларга юборишарди. Ўғилларим эса ҳаммаси ўзимизнинг мамлакатимизда хизмат қилишди.

Жўра аканинг катта ўғилларидан Анвар мохир десантчи, Бахтиёр танкчи ва Иброҳим артиллериячи бўлишган экан. Мана, энди кенжатоий Абдуллажоннинг эл-юртни ҳимоя қилиш гали келибди. Ишончим комилки, у отасини ҳам, акаларини ҳам уялтириб қўймайди — уста жангчи бўлиб етишади.

Ўтган якшанба кuni Тошкентда яшайдиган ички ишлар идоралари фахрийларидан айримлари табаррук ёшга тўлишди. Улар билан суҳбатлашар эканман, беихтиёр фарғоналик ҳалиги деҳқон билан ҳарбий хизматнинг ҳозирги мураккаб замонимиздаги катта аҳамияти ҳақидаги суҳбатимиз мантиқан давом этаётганини ҳис қилдим. Ҳамсуҳбатларим — умрларининг кўп йилларини юртимизда ҳуқуқ-тартиботни, қонунчиликни мустаҳкамлашга бағишлаган бу кишилар профессионализм ҳақида гапирар эканлар, юртбошимизнинг ҳарбий хизматчиларни руҳий-маънавий камол топтириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги борасидаги сўзларини қайта-қайта эслашди. Фахрийларимиз жаҳонда ва минтақада ҳарбий-сиёсий вазиятнинг сўнгги пайтларда мураккаблигини ҳисобга олиб жангчиларимизда ватанпарварлик, халқпарварлик, бурча садоқат каби юксак маънавий фазилатларни, профессионализмни, жанговар маҳоратни янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар...

Мард, ҳалол умр кечирган, сочларига аллақачон қиров кўнган оқсоқолларимизни тинглар эканман, халқимизда истиқлолимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, эндиликда ўзларининг бой тажрибаларини ёш ҳамкасбларига ўргатаётган кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни кадрлаш одати борлигини ўйлаб қувониб кетдим. Айнан ана шу авлодлар ўртасидаги ўзвий алоқа элимиз ўртасида умуминсоний, маънавий қадриятлар ҳаммаша қадрланиб келишининг гарови бўлган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуриш, ўзбекистонликларнинг тинч ҳаётини ҳамда яратувчилик меҳнатини муҳофаза қилиш борасида барча чоралар кўриляпти.

Ана шу чора-тадбирлар доирасида қатор тизимлар, жумладан, республика Ички ишлар вазирлиги тизими ҳам чуқур ислох қилинляпти. Ички Қўшинларнинг вазифалари, тузилиши қайта кўриб чиқилди, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чоралари кўриляпти. Ислохотлар жараёнида ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларни, жамиятни террорчилик ва кўпуровчилик, экстремизмнинг ҳар қандай шакллари, уюшган жиноятчиликдан ишончли ҳимоя қилиш ишлари амалга ошириляпти.

Сўнгги йилларда жойларда жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг роли анча ошди. Уларда фуқаролар, маҳалла аҳли шаҳар ва қишлоқларда содир этилаётган жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар, буларнинг сабаб-оқибатларини муҳофаза қилишляпти.

Ички ишлар идоралари ходимлари профилактика чора-тадбирларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг жамоат тартибини ва ўз хавфсизликларини таъминлаш ўзларининг ҳушёр бўлиши ҳамда теварак-атрофларида кечаётган жараёнларга фаол аралашуви билан чамбарчас боғлиқ эканлигини одамлар чуқур англаб етиши муҳим эканлиги ҳақидаги сўзларига ҳаммаша амал қиляптилар.

Ҳа, одамларнинг маънавий тубанлашуви, жиноятчилик, экстремизм каби иллатларга қарши курашда фаолликларини оширишда Ватан ҳимоячилари ҳам муҳим роль ўйнашади. Ҳарбийларимиз — халқимизнинг шонли фарзандлари бир неча кундан сўнг ўзларининг касб байрамларини нишонлашади. Республика ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси барча Ватан ҳимоячиларини бу гўзал байрам билан қизгин табриклайди, уларга жанговар машғулотларида муваффақиятлар, ўзларига мустаҳкам соғлиқ, шахсий ҳаётларида улкан бахт тилайди. Хизматда ҳаммаша Сизга омад кулиб боқаверсин, азиз жангчиларимиз!

14 январь —
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



ИХЛОС ВА САДОҚАТ БИЛАН

Юртбошимиз уқтирганларидек, бу ҳаётни, тинчлигимизни, келажак авлодимизни, оиламизнинг хотиржамлигини ҳимоялашимиз керак. Чунки ҳар қандай давлатда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсагина, халқнинг бунёдкорлик меҳнатига, иқтисодиётнинг ривожланишига замин яратилади.

Ўзининг 10 йиллигини нишонлаётган республика Ички ишлар вазирлиги Ички Қўшинлари ҳам Ватанимизда сиёсий барқарорликни сақлашга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб улушини қўшиб келмоқда. Улар зиммасига жамоат тартибини сақлаш, халқ ҳўжалиги иншоотларини ва муҳим уюмларни қўриқлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш бўйича ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш каби муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилди.

Ўтган йиллар Ички Қўшинлар шахсий таркиби учун синов даври бўлди. Қўшинларимиз кундалик жанговар — ҳизмат вазифаларини бажариш билан бир пайтда, янги ҳарбий жомалар ташкил қилиш, ҳарбий шахарчалар куриш, шахсий таркибни малакали офицер кадрлар билан бутлаш каби

ўта мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилишига тўғри келди.

Қўплаб фидойи инсонларнинг матонатли хизматлари туфайли, қўшинларимиз ҳозирги кунда Она-Ватанимизни ва унинг ҳар бир фуқаросини жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишга қодир тизим сифатида шаклланди. Бунга муносиб ҳисса қўшган генерал-майорлар Ш. Ниёзов, В. Бухтеев, полковниклар — И. Мамадалиев, Х. Ибрагимов, Т. Соатов кабиларнинг номларини бугунги байрам кунда ҳурмат билан тилга оламиз.

Ўтган давр мобайнида жойлардаги ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларда қўшинларимизнинг барча шахсий таркиби фаол иштирок этди. Лекин жанговар вазифаларни муваф-

фақиятли бажаришга қарамасдан, Ички Қўшинларнинг вазифалари ва тузилишини қайта кўриб чиқиш зарурияти яққол кўзга ташланиб турарди. Негаки, кўп ҳолларда улар ўзларига хос бўлмаган вазифаларини ҳам бажариб келаётган эдилар. Бундан ташқари, минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият Ички Қўшинлардан бундан ҳам тезкор ва профессионал ҳаракатларни талаб қилмоқда эди. 1999 йил 16 февраль кунини Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатлар бу вазифалар долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатди.

1999 йил март ойидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички Қўшинларида кенг қўламли ислохотлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Ички Қўшинлар бошқармаси негизда Ички Қўшинлар ва Қоровул Қўшинлар Бош бошқармалари ташкил этилди.

Қўшинларимизни юклатилган вазифаларни бажаришга сон ва сифат жиҳатдан мослаштириш, шахсий таркибнинг юксак профессионал тайёргарлик даражасини таъминлаш, ҳарбий таълим ва тарбия тизимини замон талабига мувофиқ-

лаштириш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун ижтимоий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, ҳарбий ислохотларда мамлакатимиз ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ислохотлар жараёнида устувор йўналишлар деб белгиланди.

Ҳарбий хизматчиларимиз фуқаролар хавфсизлигини ва мамлакатимизда барқарорликни сақлаш йўлида керак бўлса ўз жонларини ҳам фидо қилишга доимо тайёр эканликларини кўп бора кўрсатдилар.

1999 йил ноябрь ойида Тошкент вилояти Янгиобод шаҳрида, 2000 йил август ойида эса Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудида бўлган жанговар ҳаракатларда офицер, сержант ва аскарларимиз иштирок этиб, ўзларининг ҳарбий касб маҳоратларини жанг майдонида намоён қилдилар. Афсуски, уруш қурбонсиз бўлмаганидек, бу жанговар ҳаракатларда халқимизнинг азиз ва севимли фарзандлари Она-Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон бердилар. Булар капитан Р. Васильев, катта прапоршчик В. Воронов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар сер-

жант Ф. Хусанов, оддий аскар Ф. Абдуллаевлардир. Халқимизнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айланган бу хизматдошларимиз бизларнинг хотирамизда абадий қолади.

Ватан ҳимоячисига мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудимиз яхлитлигини таъминлашдек юксак вазифа топширилган. Ислохотлар натижасида республика ИИБ Ички Қўшинлари жамиятни террорчилик, қўпоровчилик, барча шаклдаги экстремизм каби иллатлардан ишончли ҳимоя қиладиган тизим сифатида шаклланди. Бошқача қилиб айтганда, бу жараён ягона мақсадни — ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат куриш, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Қўшинларимизда шахсий таркибнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини, профессионал даражасини, ахлоқий-руҳий сифатларини ва ҳарбий интизомини янада юқори савияга кўтариш борасида кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Бунда Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилиб, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби буюк аждодла-

римизнинг саркардалик қобилиятларини, ҳарбий санъатларини ўрганиб, улардан сабоқ оламиз.

Қўшинларимиз шахсий таркибининг мураккаб, масъулиятли, аммо шарафли хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Буларга мисол қилиб биринчи ва иккинчи даражали “Шон-шараф” орденлари билан мукофотланган полковник В. Мамо, прапоршчик Ж. Ибрагимов иккинчи даражали “Шон-шараф” ордени соҳиблари полковник Ж. Бафоев, подполковник С. Нигматулин, катта лейтенант М. Сафаров, прапоршчик Р. Муҳамедов, “Жасорат” медали билан тақдирланганлар, полковниклар А. Пачес, В. Тожибоев, И. Садиров, подполковник С. Чориев, майорлар У. Алаев, Ф. Савриев, катта лейтенант М. Қодиров, сержантлар И. Хусанов, Ф. Хусанов (марҳум), оддий аскар Ф. Абдуллаев (марҳум) ва бошқа кўплаб ҳарбий хизматчиларимизнинг номларини тилга олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш — Ички Қўшинлар ҳарбий хизматчиларининг кундалик шиори ва турмуш тарзидир.

Ж. ФОЗИЛОВ,
республика ИИБ
Ички Қўшинлар
қўмондонини, полковник.

САМИМИЯТ УФУРИБ ТУРДИ

Озарбайжон ёзувчиси Анорнинг бир асарида пурмаъно ривоят келтирилади. Эмишки, бир юртда қабр тошларига марҳумнинг туғилган ва вафот қилган санаси эмас, бахтли бўлган йиллари битилар экан. Яъни киши фақат ўзидан, ҳаётидан рози бўлиб яшаган йиллари ҳақиқий умр саналар экан. Яна кишининг умр мазмунини қилган ишлари билан белгиланади деган гап ҳам бор. Менимча, унақаси олганда ҳам, бунақаси олганда ҳам Вазген Бакшеевич Аванесов ўзининг саксон йиллик умридан рози, мамнун бўлса керак.

Эҳтимол, хизматда гоҳо қийналган, хато-камчиликларга йўл қўйганда, афсус чеккан, қайғуга чўккан дамлари, ойлари бўлгандир. Аммо ўша машаққатлар, қоқилишлар зое кетмагани шубҳасиз. Акс ҳолда, хизматни Кўқон шаҳар ИИБда тезкор вакил вазифасидан бошлаган йигирма яшар йигитча вақти келиб Тошкентдай шаҳри азиямда жиноят-қидирув хизмати бошлиғи, кейинчалик ИИБ жазони ижро этиш тизими бошлиғининг ўринбосари лавозимига чўшиб етмасди. Кўксини йигирмага яқин орден ва медаль тўлдириб турмасди. Қолаверса, ҳақиқий ҳаёт заҳматлари, баъзан хатолари билан мукамал эмасми?

Қирқ йиллик хизмат фаолияти давомида Вазген Бакшеевич изкуварларнинг бир неча авлодини тарбиялаб етиштиришга улгурди. Устозни табаррук ёши билан кутлаш учун келган



шогирдларнинг кўпчилигини кўриб қойил қолдим. Уларнинг баъзилари бугунги кунда нафақада бўлса, кўпчилиги республика

Ички ишлар вазирлиги тизимида қатор масъул лавозимларда ишлашади. Диққатимни тортган яна бир жиҳат, ким табриклагасин, сўзлари юракдан чиқётгани шундоқ сезилиб турарди.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Сидиқов вазирлик раҳбарияти номидан юбиларни қутлар экан:

— Сиз кўпларимизга отадай азиз, меҳрибон устозсиз, — деди.

ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш

жамоатчилик маркази раиси, истеъфоаги генерал-майори Ф. Раҳимов:

— Саксон ёшли умр ҳазилакам гап эмас, шу ёшга киргунча бу инсоннинг бошидан қанча иссиқ-совуқ, яхши-ёмон кунлар ўтган. Шунга қарамай у ўзининг бағри кенглигини, хушчақчақлигини сақлаб қолган. Ҳаммаям шу кишидек чиройли қарисин, — деганда гулдирос қарсақ бўлиб кетди.

Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров юбиларни жазони ижро этиш тизимининг барча ходимлари номидан самимий муборакбод этиб, бу соҳада ҳам бугунги кунда унинг кўплаб муносиб шогирдлари хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кутлашга келганлардан тилакларини оддий сўзга сифтиролмаганлар ўзлари устозига атаб тўқиган шеърини ўқиб берди, қўшиқ айтди. Асли арман бўлиб, Вазген Бакшеевич ўзбекнинг тилини, урф-одатини анчамунча ўзбекдан яхши билишига қойил қолиб гапиришди. Айниқса, унинг том маънода уста изкувар бўлганини, жиноятчиларни қўлга олишда ҳам, қийин чоғларда шогирдларини қўллаб-қувватлаганда ҳам мардлик, танглик кўрсатганини қайта-қайта таъкидлашди.

Тадбирда шунингдек республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев ҳам иштирок этди.

ХУРШИД.

Янги йил тадбири

БОЛАЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Тошкент вилояти ИИБ ходимларининг фарзандларига ажойиб Янги йил совғалари улашилди.



Икки юздан ортиқ болажонлар ота-оналари билан биргаликда вилоят ИИБнинг саҳнадек безатилган ўйингоҳига йиғилдилар. Гўзал арча атрофида болалар билан бирга цирк артистлари, баҳайбат “мушук”, “сичқон”, “маймун” ва бошқа “ҳайвонлар” ҳам маза қилиб “ўйнадилар”. Мусиқа ва шодон ўйин-кулгулар остида ўйинчоқ ҳайвонлар ўрнини Қорбобо билан Қорқиз эгаллади. “Гўзал Турон” гуруҳи ижро этган шўх қуйлар барчани ром этиб, рақсга чорлади.

Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Расулов болаларни Янги йил байрами билан табриклаб, уларга совғалар улашди. Сўнг болалар тўқин байрам дастурхонига таклиф этилдилар.

— Ички ишлар идораларида ишлаб, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари доимо диққат марказимизда, — дейди ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Тангибоев. — Юздан ортиқ бола Янгийўлдаги Президент арчаси ҳайрамида иштирок этдилар. Уларни Тошкент вилояти боқимида Мирзақулов табриклади. Болакайларга байрам совғалари улашилди. Яқинда ходимларимизнинг икки мингдан ортиқ фарзандлари цирк томошаларини бориб кўрдилар.

Ўз мухбиримиз.
Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.

14 январь — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

БАРХАНЛАР ОРАСИДАГИ "ОЛИШУВ"

Яқинда Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳамкорликдаги ўқув-амалий машғулоти бўлиб ўтди.

Тадбир тўрт гуруҳга бўлинган парашютчилар ҳаводан сакраб, жанговар топшириқларни бажариш билан бошланди. Биринчи гуруҳ парашютчилари разведкачилар бўлиб, улар ҳудуддаги вазиятни қисқа фурсатда ўрганиб чиқиб, зудлик билан иккинчи-ёрдамчи гуруҳга хабар беришди. Орадан 5-6 дақиқа ўтгач, ёрдамчи гуруҳ парашютчилари ҳам ерга қўнишди. Бу икки гуруҳ барханлар қўйнига яшири-ниб олишган "қуролли жиноятчилар"га ҳаводан зарба бериш ҳамда уларни қуролсизлантириш вазифасини муваффақиятли яқунлашди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг ҳаракатдаги тезкор штабига тўрт нафар "террорчи" "ВАЗ-2106" русумли "Жигули" енгил автомашинасида қочиб кетаётганлиги хабар қилинди. Зудлик билан топшириқни бажаришга киришган вилоят ИИБнинг тезкор гуруҳи "жиноятчилар"га сездирмаслик учун шахсий автомашиналардан фойдаланишди. Улар "жангарилар" бошқариб кета-

ган автомашинага қарама-қарши йўналишда йўлга чиқишди. Қўқисдан "жангарилар"нинг автомашинаси олди тўсилиб, зудлик билан улар қуролсизлан-тирилди. Бунда "Центрион" лақабли итнинг ёрдами катта бўлди.

Тушга яқин Қорақум барханлари орасидаги чўпонлар уйига "қуролланган хавфли жиноятчилар" ўрнашиб олганлиги, улар тезкорлик билан қўлга олинмаса, яқин орадаги аҳолига жиддий хавф солиши мумкинлиги ҳақида "ташвишли маълумот" олинди. Қум барханлари орасида жойлашган бу чўпонлар уйига махсус гуруҳ ходимларининг яқинлашиши жудаям қийин эди. Чунки у ердан те-варак-атроф аниқ кўриниб турарди, "жиноятчилар" эса атрофни қаттиқ кузатув остига олишганди. Чўпонлар уйи қисқа фурсатда тезкор гуруҳ томонидан қўшаб олинди. Заҳирадаги тезкор гуруҳ қуруқликда ҳаракатланувчи ҳарбий техника ёрдамида "жиноятчилар"га яқинлаша бошлашди. Шу билан

бирга жиноятчилар жойла-шиб олган уй "МИ-2" русумли вертолёт ёрдамида

энг муҳим масалалардан би-ридир. Агар эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилинмаса,



ҳаводан туриб тинимсиз ўққа тўтилди. Талвасада қолган, "жиноятчилар" ҳарбий техникани "қалқон" қилиб келаётган тезкор гуруҳ ходимларига қарата автоматдан тўхтов-сиз ўқ уза бошлади. Қуруқ-ликдан ҳамда ҳаводан бе-рилган аниқ зарбалар на-тижасида "жиноятчилар" таслим бўлишдан бошқа чора топишолмади. Қора-қум барханлари қўйнида-ги олишув бир неча дақиқа давом этди.

Жанг майдонини тоза-лаш ва портловчи модда-лардан зарарсизлантириш

ўнлаб жангчиларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мум-кин. Касб маҳорати юқори бўлган гуруҳ зудлик билан ишга киришди. Ниҳоятда синчковлик билан олиб бо-рилган бу амалий машғулот ҳам муваффақиятли яқун топди.

Кўп қаватли бинони эгаллаб олган "қуролли жиноятчилар"ни қўлга олиш ва қуролсизланти-риш тадбири ҳам ниҳоят-да самарали яқунланди. Машғулотда ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи идоралар хо-димлари билан биргалик-да вилоят фавқулодда ва-

зиятлар бошқармаси, со-ғлиқни сақлаш бошқарма-си ходимлари ҳам фаол қатнашишди. Тадбирда тез-кор тергов гуруҳи иштиро-ки юқори баҳоланди.


жанговар тайёргарлигини янада кучайтириш мақса-дида ўтказилган бу ўқув-амалий машғулоти юқори савияда ўтди. Унда фаол иштирок этган энг тажри-бали ходимлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси-нинг пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Тадбир сўнггида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ми-лиция полковниги А. Бобо-жонов сўзга чиқиб, ҳам-корликдаги ўқув-амалий машғулотида юқори касб маҳоратини намоиш этган ходимларни самимий қут-лади.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратларда: Хоразм ви-лояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходим-ларининг ҳамкорликда ўтказган ўқув-амалий маш-ғулотида лавҳалар.

Ж. ҚОЗОҚ
олган суратлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимла-рининг касб маҳоратини ошириш, жисмоний ҳамда



Ҳарбий бўлинмада иш-чан, шижоатли, ўз касби-ни севадиган офицерлар ҳақида гап кетганда капи-тан Равшан Акбаров номи-ни алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Бир суҳбат-да ҳарбий жамоа команди-

рининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, под-полковник. Абдуҳаким Ис-моилов:

— Равшан Акбаров ўз касбини ҳақиқий севган офицерлардан, у жуда жон-куяр, — деб қолди.

САРДОРЛАРИДАН НАМУНА ОЛИШЯПТИ

Равшаннинг ишлари би-лан танишар эканмиз Ис-моиловнинг ҳақлигига иқдор бўлдик.

Алоқа хизмати бошлиғи лавозими анча мураккаб иш. Равшан мана уч йилдан буён вазифасини муваффа-қиятли удралаб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ алоқа хизматини ва турли техник асбобларнинг ишлаш тар-тибларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириб олди. Натижада

ўз вақтида эгаллаган билим ва кўникмалари бугунги кунда Равшанга қўл кел-моқда. Ҳозирда ҳарбий жа-моанинг юқори кўмондон-ликлар ва бошқа ташкилот-лар билан алоқа тизими бе-нуқсон ишлашида унинг ҳиссаси каттадир.

Равшан Акбаровнинг қўл остидагилар прапоршчик Юрий Касалайне, сержант Илҳом Бўриев, кичик сер-жант Ўктам Эгамбердиевлар ҳам ўз сардорларидан ўрнак олиб хизмат қилишяпти.

Х. ОЛЛОҲАЗАРОВ,
подполковник.

Ҳамма ерда конун устуворлигига эришиш ҳуқуқий-демократик жамият қуришнинг асосий шартларидан биридир. Шунинг учун жамиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ма-даниятини ошириш муҳим вазифадир. Бу иш респуб-лика Ҳарбий прокуратураси раҳбариятининг ҳами-ша диққат марказида турибди.

ЁШ АСКАРЛАР — ЭЪТИБОРДА

Яқинда В. Степанишко сардорлик қилаётган ҳар-бий жамоада ана шу мақсадга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Унда қатнашган Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия капитани С. Чориев ёш ас-карларни қизиқтирган ҳуқуқий мавзудаги саволларга жавоб берди, уларни ҳарбий низомларга, интизомга қатъий риоя қилишга, ҳамиша ҳушёр бўлишга ча-қирди. Шунингдек, учрашувда ҳарбий хизматчилар-нинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари борасида ҳам суҳбат бўлиб ўтди.

Б. ТОШЕВ.

КАМАРБАСТАМИЗ

Халқимизда киш ғамини ёзда егин деган ажойиб нақл бор. Биз ҳам шу доно нақлга амал қилиб ҳарбий жамоамизни киш мавсумига тайёрлаш иш-ларини бу йил анча вақтли бошлаб юбордик. Ас-карлар ётоқхоналарини ва бўлинмалари ҳудуди-даги барча биноларни иссиқлик билан таъминлаш, уларнинг инженерлик ҳолатини янада яхшилаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирда шахсий таркиб қишқи иссиқ кийим-кеча-лар билан тўла таъминлаб бўлинди. Тасаввур этиб кўринг, аскар ўзининг жан-говар постида хизмат ўташи шарт. Хоҳ қор ёгсин, хоҳ ёмғир. Унинг усти юпун бўлса, хизмат сифатига, ал-батта, таъсир этади-да.

Аскарнинг соғлом бўли-ши озиқ-овқат таъминоти-га ҳам боғлиқ. Шунинг учун бу йил ҳам қишқи мавсумга биз дармондориларга бой қиш-лоқ хўжалик маҳсулотлари-дан етарлича ғамлаб қўйдик. Худди шунингдек, ҳарбий жамоамизда олма, гилос, олхўри, беҳи каби мевалар-

нинг шарбатлари ҳам етар-ли. Автоуловлар ҳам қиш мавсумига шай қилинган.

Албатта, юқорида санал-ган тадбирларимизни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида таъминотчи офицер ва прапоршчикла-римиз жонбозлик кўрсатди-лар. Айниқса, катта лейте-нантлар Исроил Кемелов, Қодир Маҳаматов, катта сержантлар Шавкат Толи-боев ва Саид Дашеновлар бу борада алоҳида ташаббус кўрсатиб хизмат қиладилар.

Мақсадимиз, қиш мавсу-мини ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтказиш экан, биз бу борада барча имко-ният ва кучларимизни сарфлайвераимиз.

Эътибор РУСТАМОВ,
подполковник.

ҲАММАНИНГ ЭСИДА ҚОЛДИ

Яқинда Коровул кўшинларига қарашли ҳарбий жамоалардан бирида концерт дастури намоиш этилди.

Концертни ёш хонанда Санжар Эргашев ўзининг шўҳ ва дилрабо кўшиқла-ри билан бошлаб берди. Шундан сўнг клуб бош-лиғи, прапоршчик Баҳ-риддин Лутфуллаевнинг ёш аскарлар олдида чиқи-ши катта олқишларга са-баб бўлди.

Шуниси қувончлики, ҳозирда Коровул Кўшин-лари зобитлари ичида санъатсеварлар кўплаб то-пилади. Ана шундайлардан

бири ҳарбий жамоа тиб-биёт бўлими бошлиғи, тиббий хизмат капитани Шохзамон Яратовдир.

Шохзамоннинг чиқи-шини ҳарбийлар гулдурос қарсақлар билан қарши олди. У ўзининг Ватан, она ҳақидаги дилрабо кўшиқлари билан барча-нинг олқишига сазовор бўлди.

Аскарлар ҳам бўш ке-лишмади. Яқиндагина Жиззах вилоятининг Фо-

риш туманидан ҳарбий хизматга чақирилган од-дий аскар Обид Аҳадов даврага чиқиб, дўстлари-га ўзининг бир жуфт қўшиғини ҳаёя этди.

Ушбу кечага яқун ясар экан, ўқув маркази бош-лиғининг тарбиявий иш-лар бўйича ўринбосари, капитан Рустам Жаббо-ров ёш аскарларга қара-та келгусида санъаткор-лар билан бундай учра-шувлар тез-тез ўтказилиб турилишини таъкидлади ва ёш кўшиқчиларнинг бундан кейинги ижодий ишларида катта омаллар тилади.

Ўз мухбиримиз.

ОДАМЛАР МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛИБ

Ҳеч бир соҳада, ишда изланишдан тўхтамаслик керак. Сабаб — ҳаётдан орқада қолмаслик, одамлар эҳтиёжини кўпроқ, тўлароқ ҳисобга олиш зарур. Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФБда хорижга вақтинча чиқмоқчи бўлган фуқароларнинг овозгарчилигини камайтириш, ходимларнинг хизмат самарасини ошириш мақсадида бир ишга қўл уришди. Мана, ярим йилки уларнинг ҳужжатлари аввал туманларда, сўнг бошқармада эмас, марказлаштирилган ҳолда ХЧК ва ФБнинг ўзида расмийлаштириляпти.

— Бутун бир қаватни шикоятчи бўлса, биз раҳбарларга хизмат кўрсатиш учун ажратганмиз. Бу ерда ҳар бир туман ИИБ ХЧК ва ФБ инспектори фаолият кўрсатади. Уни биров бевожита вазифасига кирмайдиган ишга жалб этмайди. Фуқароларимизда бирор савол, муаммо туғилса, арз-

шикоятчи бўлса, биз раҳбарларга мурожаат қилишади. Имкониятимиз, ваколатимиз доирасида ёрдам, маслаҳат берамиз, — дейди бошқарма бошлиғи, милиция подполковниги Абдуҳафиз Рустамов.

Ҳақиқатан, иш яхши ташкил қилингандан ҳеч



Отаҳонлар "Ҳаж сафарига ҳужжат тўғрилаётганимизда ҳеч бир қийинчилик бўлмади", — дейишди.



Катта инспектор, милиция майори Ш. Ўринов фуқарони қабул қиляпти.

бир туман инспекторининг эшиги олдида тирбанд навбатни кўрмадик. Махсус залда хорижга чиқувчилар қандай ҳужжатлар тақдим этишлари лозимлиги ҳақида маълумотномалар осиглиқ. Ҳар бир кутиш залида стол-стул қўйилган. Шу қаватнинг ўзида "Асакабанк" филиали ҳам ишлаб турибди. Одамлар давлат божи ёки бошқа бирор тўлов учун вақтини кетказиб бирор ёққа бориб ўтирмайди. Хизмат кўрсатиш столи ҳам фаолият кўрсатиб турибди.

— Маълумки, январь ойининг охирида бўлажак ҳожиларимиз муборак ҳаж сафарига жўнаб кетишади. Унга кам вақт қолди. Уларнинг аксарияти ёшлари анчага борган ота-

хонлар, онахонлар. Ана шуларни ҳисобга олиб ҳаж зиёратига отланганларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришга махсус ходим — милиция майори Рустам Муҳаммадиев масъул этиб тайинланган, — дейди бошқарма бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Турғунбой Турсунов.


Фуқароларни қабул қилиш қандай кетаётганини кўриш учун катта инспектор, милиция майори Шокир Ўриновнинг хонасига кирдик. Унинг қабулида ўтирган, гиламнуса дўппи кийган, юзларидан нур ёғилиб турган Шуҳрат Толипов мақсадимизни эшитиб гапира кетди:

— Ука, мен Чилонзор туманиданман. Касбим иқтисодчи. Бу ишнинг мар-

казлашгани жуда яхши бўлибди. Ҳамма масала шу ернинг ўзида ҳал бўлади. Ҳа, яна бир гапни ёзинг — ходимлар жуда ҳушмуомала. Илгари ҳам бир юмуш билан келган эдим, ҳозир ҳам бирор-бир фуқаронинг ранжиб кетганини кўрмадим. Мабодо иши битмайдиган бўлса, бунинг сабабини ётиги билан тушунтиришадилар, йўл-йўриқ, маслаҳат беришади. Бунинг учун менинг номимдан раҳбарларга ҳам раҳмат деб ёзинг.

берар экан. Ўзимиз ҳам ана шундай бир фактнинг гувоҳи бўлдик. Акмал Икромов тумани Ҳабиб Абдуллаев номли маҳаллада яшовчи Мирҳолиқ ота Миродилов ҳаж сафарини ният қилган эканлар.

— Энди, кексалик-да, болам. Айтишган кунни — бугун сал чарчаб турувдим. Мана, кўриб турибсиз, ўзлари олиб келибдилар. Ўша идораларидаги муомалаларидан ҳам кўнглим тоғдай кўтарилган эди, — отахон дуога қўл очдилар. — Илоҳим, сизлар ҳам менинг ёшимга етиб, болаларингизга бош бўлиб юринглар. "Олтин олма, дуо ол!" дейишади. Элнинг мушқу-



Мирҳолиқ ота Миродилов милиция майори Р. Муҳаммадиевдан ҳужжатларини оляпти.

Кекса кишиларнинг ҳужжатлари тайёр бўлса, унинг келишини кутиб ўтиришмас, мабодо фуқаронинг уйи бирор-бир ходимнинг йўли устида бўлса, унинг хонадонига ҳам олиб бориб

лини осон қилиб, дуосини олиб юрган ана шундай ходимлар ички ишлар идораларида кўпаяверсин.

**Б. ТОШЕВ.
Ш. ЗУФАРОВ
олган суратлар.**

Фармон ва ижро

ҲЕЧ КИМ ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони асосан жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб мавзусига айланди.

Бу борада Андижон вилоятида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилиб келмоқда. Жойлардаги ички ишлар ва меҳнат бўлимлари ҳамкорликда иш олиб бораётгани қўл келмоқда. Бўш иш ўринлари бўйича меҳнат ярмаркалари ўтказилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Масалан, Булоқбоши туманида ташкил этилган ана шундай тadbир ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Унда асосан юқоридаги Фармонга асосан жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахслар иштирок этдилар. Ярмаркада қатнашган 55 нафар шахснинг 28 нафари ишга жойлаштириш учун мурожаат қилди ва рўйхатга олинди, 17 киши меҳнат ярмаркасининг ўзидаёқ ишга жойлаштирилди, 11 нафарига эса мақбул иш топилгунга қадар ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ишга жойлаштирилган Иброҳимжон Нишоновнинг қувончи чексиз. 1982 йилда туғилган Бекзодбек Бердикулов амнистияга асосан муддатидан аввал озод этилгани учун Президентимизга ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди.

Туман ички ишлар бўлими катта инспектори, милиция катта лейтенанти Саъдулло Аҳмедовнинг айтишича, муддатидан аввал озодликка чиққан шахсларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя олишда туман меҳнат бўлими ва ижтимоий кўникма маркази билан ҳамкорлик қилинаётгани, Фармон чиққандан сўнг туман ички ишлар бўлимида алоҳида гуруҳ тузилгани айни муддао бўлган.

Меҳнат ярмаркасидан қайтар эканман, туманда ҳеч ким ишсиз қолмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Ж. МАТМУСАЕВА.

Уларнинг аҳволини яхшилаш ва озодликка чиқариш борасида Президентимиз ташаббуси билан Фармонлар, жазо қонунчилигига қатор энгилликлар киритувчи қарорлар, қонунлар чиқарилдики, бу ҳужжатлар нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки қатор нуфузли чет эл давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўзғин қўллаб-қувватланди.

Бизнинг мақсадимиз жаҳолат йўлига кириб, озодликдан маҳрум қилинган ва вақтинча жамиятдан ажралиб қолган бу инсонларни самарали қайта тарбиялаш усулларини қўллаб, янгича дунёқараш билан яна жамиятга қайтаришдир. Бу борада муассасамизда талбирлар белгиланиб, пухта ишланган режалар асосида қатъий, изчил амалга ошириш ҳам йўлга қўйилган.

Маълумки, инсон яшаб турган муҳит унинг онги ва дунёқарашини шаклланишида асосий ўрин эгаллайди. Муҳит иккига бўлинади, яъни моддий ва маънавий.

Биз маҳкумлар яшаб турган моддий муҳитни яхшилаш йўли билан уларнинг онгида ижобий ўзгаришлар ҳосил қилдик. Таъминот яхшиланди, корхонамиздаги ишлаб чиқариш, санитария ва хавфсизлик ҳолатларига жиддий эътибор қаратилди. Қўшимча нон ёпиш ва макaron ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди. Муассаса ҳовлиси ободонлаштирилди. Ётоқхоналар тўлиқ қайта таъмирланди: шарқона услубда ганж билан бе-

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Асрий орзуимиз — мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз раҳбари Иллом Каримов раҳнамолигида давлат қурилишининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўли танлаб олинди. Бошқарувда Президентлик институти жорий қилинди. Давлатнинг суверенлиги, инсон, унинг эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати улуғланган халқчил Конституция қабул қилинди, яъни мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ давлатимизнинг инсонпарварлик, халқчил сиёсатига асос солинди. Бундай сиёсатдан озодликдан вақтинча маҳрум этилган шахслар ҳам баҳраманд бўлишаётир.

затилди, йўлақларга гилам, палослар тўшалди. Энг муҳими, маҳкумлар ўз меҳнатлари эвазига шундай шароитларга эришдилар. Бу уларда меҳнатга ижобий муносабат, унинг натижаларидан завқланиш туйғусини уйғотди. Зеро, меҳнат — тарбиянинг ўзагидир.

Мавжуд маънавий муҳитни янада яхшилашга жиддий эътибор қаратиб, қатор талбирларни амалга оширдик. Аввало, қонун меъёрлари, талабларига кўра ички тартиб-интизомга қатъий риоя этилишига тўлиқ эришилди. Чунки тартиб, интизом — муваффақиятлар негизидир. Маҳкумлар танлов учун Ватан ва меҳнатни шарафловчи, юртимизни мадҳ этувчи хушнаво қўшиқлар танланлар. Маҳкумларнинг жа-

моатчилик кенгаши иши янги асосда қайта ташкил этилди. Бирорта маҳкум жамоатчилик ишидан четда қолмади. Спорт ва маланий-маиший талбирларни ташкил этиш, ўтказиш кўпайди. Энг муҳими, бу талбирлар маҳкумларда яратувчанлик, ижодкорлик, вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳаётга қизиқиш билан қараш хислатларини жонлантирмоқда.

Ҳар ҳафтада тасдиқланган режа асосида олиб борилаётган сиёсий ўқишлар савияси кўтарилди. Бундан ташқари "Ҳафтанинг долзарб мавзуси" рукнида ўқиш ташкил этилган бўлиб, унда маҳкумлар оммавий ахборот воситалари хабарлари орқали юртимиз ва хорижда рўй бераётган муҳим воқеалар,

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, халқимизнинг бунёдкорлик ишларидан бохабар бўлиб бормоқдалар. Даврий леворий нашрлар ёнида ташкил этилган "Ҳуқуқ" бурчакларида эса амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликдаги ўзгаришлар ўз аксини топиб борапти.

Бу ҳаракатларнинг барчаси жаҳолат йўлига кириб қолган инсонларнинг ички маънавий дунёсини ўзгартириш ва ижобий хислатлар билан бойитиш, меҳнатга тўғри муносабат уйғотиш, инсонни тушуниш ва унинг қадрига етиш, Ватаннинг муқаддаслиги ва унга садоқат ҳиссини ошириш, буюк аجدодларимиз ва улуг ўзбек халқига муносиб бўлишлари, тезроқ озодликка чиқиб, ота-онаси, қариндош-уруғи ва оиласи бағрига қайтиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳалол меҳнат қилишларига қаратилган. Зеро, халқимизнинг ҳам, юртбошимизнинг ҳам нияти шу. Президентимиз ўз нутқларининг бирида таъкидлаганларидек, бизни бу олий мақсадларга элтувчи йўл — маърифат йўлидир. Чунки маърифат бор жойда жаҳолатга ўрин қолмайди.

**М. АБДУЛЛАЕВ,
ички хизмат подполковниги.**

UCHINCHI «Nosinga» gazetasinig ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

“ЕТТИ” РАҚАМИ ҚАЧОН “МУҚАДДАС” ЛАШГАН?

Қадимги одамлар яшаган манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлардан тортиб, кундалик сўзлашувда қўлланиладиган ибора ва мақолларгача, халқ оғзаки ижодиётидан то удумларимизгача барини бири-бири билан боғловчи ғалати бир анъана бор. Бу – 7 рақамига фавкулдда катта эътибор беришдир. Боболаримиз узоқ асрлар мобайнида орзулари, хайрли ниятларини ифодалашга эҳтиёж сезганида нега энди 7 рақамини танладийкин? Ҳатто ҳозир ҳам болаларимизга топишмоқ айтатуриб, пиёзнинг пўсти айнан еттита эмас, ундан ҳам кўпроқлигини кўра-била туриб, “пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор” жумбогини келтирамыз-у, нега энди айнан 7 рақамини қўллаганимизнинг боисини сираям ўйлаб ўтирмаймиз. Зеро, шуниси аниқки, 7 рақами қадим замонларданок дунёнинг турли бурчакларида яшовчи ва хилма-хил тилда, лаҳжаларда сўзлашувчи элатлар ўртасида “талаш” бўлган экан. Жаҳонда 7 сонини муқаддас билиб, ихлос қўймаган халқ ёки элат топилмайди, десак лоф бўлмайди. Хўш, халқ оғзаки ижодиётда, урф-одат ва маросимларимизда 7 рақамининг бу қадар эъзозланишига сабаб нима?

Астрономик тушунчалар ҳийла эрта тараққий этган қадимги Вавилонда 7 рақамига топиниш одати бўлганлиги маълум. Аммо узоқ Алясканинг қадимги Вавилон маданиятидан мутлақо беҳабар туб жой аҳолиси, Шимоллий ва Жанубий Америка ҳиндулари, Австралия, Индонезия аборигенлари фольклорида ҳам шу рақамга алоҳида аҳамият берилишининг боиси нимада экан?

Яқинда археологлар Франциянинг Ласко деган ғоридан жуда қадим замонларда чизилган суратларни топишга муваффақ бўлишди. Ғор деворидаги от суратларидан бирига етти стрелкасимон шакллар чизилганлиги дарҳол мутахассислар эътиборини жалб қилди. Радиоуглерод услуби воситасида Ласко ғорининг деворидаги “суратлар галереяси” бундан ўн беш минг йил илгари чизилганлиги аниқланди. Бундан чиқди, Вавилон маданияти пайдо бўлишидан қарийб ўн минг йил аввалроқ ғорда яшовчи ибтидоий овчилар 7 рақамига “муқаддаслик” либосини кийгизишга улгурган эканлар-да! Хуллас, сўнгги тош асрига оид қўллаб археологик топилмалардаги чизги ва суратларда ифодаланган афсонавий тушунчаларда 7 рақамининг рамзи мавжудлиги фольклор асарларида, шунингдек, халқ орасидаги турли ишонч ва эътиқодлар сифатида сақланиб қолган


“сеҳрли” 7 рақамининг ёши жуда “кексалиги”ни исботламоқда.

Кейинги йилларда фаннинг турли соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар бу “сеҳрли” рақам муаммосини ҳал қилишга киришдилар. Натижада 7 рақамига сизиниш анъанасининг пайдо бўлиши ҳақидаги бир неча гипотезалар майдонга келди. Рус тилшуноси В. Чернишевнинг фаразига кўра, 7 рақамида ҳеч қандай ғайриоддий сир йўқ. Фольклорда ва маросимларда еттилик анъанасига риоя қилинишининг асоси қачонлардир амалда қўлланилган қадимий санок усулларида бирига бориб тақалади. Бу усулга кўра, санокда бирдан еттигача бўлган оддий сонлар қатнашади, холос. Еттидан катта миқдор эса бу усулга кўра “кўп” тушунчаси билан ифодаланган экан.

Журналист руҳшунос Муҳаммадқуловнинг ёзишича, америкалик Ж. Миллерни етти йил давомида 7 рақами таъқиб қилиб юрган. Олимнинг гапига қараганда, шахсий ҳаётида ҳам, газета-журналлар саҳифаларида ҳам, хизмат бурчини ўтаётганида ҳам 7 рақами унга хилма-хил қиёфада дуч келарверган. Шундан кейин Ж. Миллер турли (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш билан боғлиқ ва ш.к.) сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини ўрганишга киришиб, ғоят қизиқарли натижалар

олган. Олимнинг кўпдан-кўп тажрибалари асосида тўплаган статистика маълумотларининг кўрсатишича, инсон қабул қилаётган ва миясида қайта ишлаётган информациялар сони бештадан тўққизгача бўлганида (Миллер буни 7+2 деб белгилайди) кўпинча хатога йўл қўйилмас экан. Мабо-до, ахборотлар сони бундан ошиб кетса, янглишиш эҳтимоли ҳам шунга қараб ортиб бораркан. Демак, 7 одамларнинг муайян қобилиятлари билан боғлиқ ўзига хос бир қонуният рамзи экан.

1965 йилда совет археологи Б. А. Фролов Иркутск яқинидаги Мальта ва Украинанинг Мезин қишлоқларидан топилган тош асрига мансуб топилмаларни синчиклаб текшираётиб, жуда ғалати бир ҳодисага дуч келади: ёдгорликлар орасидаги ўн тўртта аёл ҳайкалчаси ҳамда ўн учта турли жисмларнинг қолдиқларидаги геометрик шакллар ва белгиларда ўзига хос “еттилик” принципига амал қилинган эди. Ҳайкалча-ларнинг айримларида еттита чизиқча чизилган бўлса, баъзиларида етти нуқта шакли туширилганлиги олимни ўйлантириб қўяди. Шундан сўнг Б. Фролов Сибирь археологиясининг топилмаларини жаҳоннинг бошқа тош асрига оид манзилгоҳларидан чиққан материаллар билан қиёслаб ўрганиб, ғорда яшаган ажодлари-



миз ҳаётида 5 ва 10 ҳамда 7 ва 14 рақамлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини аниқлади.

Тарих илмида “Сибирь маликаси” деб ном олган бу ҳайкалча-лардаги 7 чизиқ, 7 нуқта шакли ёки 7 “мунчоқ” расми тош асри одамларининг ўзига хос вақт ўлчови – етти кунлик ҳафта белгиси экан.

7 рақамининг “муқаддас” ҳодисалар қаторидан ўрин олишида ажодларимизнинг тунги ориентация манбаи бўлган Етти қароқчи юлдузлари ҳақидаги қадимий эътиқодлари ҳам муҳим роль ўйнаган.

Қадим замонларда тунги салқиндан фойдаланиб, манзилига ошиққан сонсаноксиз карвонлар ҳеч қандай компас ёки шунга ўхшаш мосламасиз олис ва машаққатли саҳроларни кесиб ўтишиб, сира адашмай йўл топганлар. Кўпни кўрган сарбонлар Етти қароқчи юлдузларига қараб дунё томонларини белгиланлар, карвон кўзлаган манзил қаердалигини аниқлаб, ўша тарафга йўл бошлаганлар. Асрлар бўйи тунда юлдузларга қараб йўл юрган боболаримиз “Етти қароқчинини таниган

етти қоронғи тунда адашмас” мақолида ҳам ана шунга ишора қилишган.

7 рақамининг халқ онгида чуқур ўрнашиб қолиши ҳеч қандай илоҳий кудрат билан боғлиқ эмас. Аслида ибтидоий одамнинг асосий вақт эталони сифатида инсон фаолиятидан ўрин олган 7 сони аста-секин турмушдаги турли ҳодисаларга, фольклор асарларига ҳам сингиб кетган.

Ажодларимиз етти ўзгарувчан сайёра, ой фазаларининг ҳар етти кунда ўзгариши, Етти қароқчи юлдузлари ҳақидаги халқ қарашларини асрлар бўйи ривожлантириб, маросим ва удумларда, фольклор асарларида маълум тушунчаларни 7 рақами воситасида ифодалаш анъанасини яратганлар. Шу-шу 7 рақами халқимиз тилидан тушмайдиған “сеҳрли” сонга айланиб қолган. Бу рақам билан боғлиқ тушунчаларда ҳеч қандай илоҳий куч ёки муқаддас “сир” йўқ. Чунки халқ оғзаки ижодиётидаги алоҳида аҳамият бериладиган рақамлар қадимги тасаввурлар маҳсули бўлиб, турғун ибора

ва тушунчалар тарзида анъанага айланган.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар ўтиши билан халқдаги анъана ва урф-одатларнинг баъзилари йўқолиб, бошқалари ўзгариб, янгилиниб бораверади. Халқ ҳаётига, руҳига сингиб кетган удумлар эса авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келганки, “сеҳрли” 7 рақами ана шу хил урф-одатларнинг оддий бир кўриниши, холос.

7 рақамининг саргузаштлари бу билан тугамайди. Зукко ажодларимиз бу рақам билан боғлиқ ҳар бир тушунча ёки ибора ҳақида ажойиб-ғаройиб афсона ва ривоятлар тўқиганлар. Қадим замонлардан бери не-не дилларни ўзига мафтун қилган ноёб архитектура мўъжизалари – оламнинг етти мўъжизаси тўғрисидаги ҳикоятлар ҳам жуда мароқлидир.

Халқимиз орасида етти мўъжиза, етти иқлим, етти хил ранг, етти фалак, етти қават ер, етти дарё, етти гузал каби анчагина тушунчалар борки, улар ҳам ана шу “сеҳрли” рақамнинг ғаройиб саргузаштлари билан боғлиқдир.

Тарихга бир назар

АҚЛ ЧИРОҒИ, ФИКР ҚАЙРОҒИ

— китоблар қандай пайдо бўлган?

ЖОНЛИ КУТУБХОНА

Биринчи китоб аслида қандай бўлган, у босмахонада ёзилганми ёки қўлда терилганми? Одамлар ўқиш ва ёзишни билмаган, ҳарфлар, қоғоз, сиёҳ ва қаламлар бўлмаган замонларда қадимги ривоятлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ва бошқа манбалар китоб тоқчаларида эмас, одамларнинг хотирасида сақланган. Эртакичи ва бахшилар давралар, тўй-базмларда ҳаммаша қадрли меҳмон ҳисобланган.

Айтишларича, бир вақтлар Римда Ицелл деган савдогар яшаган экан. У жуда бадавлат бўлиб, меҳмонларнинг кўнглини овлаш йўлини топибди. Сарой бошлиғига энг лаёқатли ва ақлли қўлларни танлаб олиш ва уларнинг ҳар қайсиси бирор китобни ёддан билишини шарт қилиб қўйибди. Орадан вақт ўтиши билан “Одиссея”, “Иллиада” ва “Энеида” ривоятларини бемалол айтиб бера оладиган қўллар пайдо бўлибди. Ицелл ўз муродида етибди, Римдаги жонли кутубхона эса анча вақтгача мақталган экан.

АБАДИЙ ВА АЗАЛИЙ

Ибтидоий даврда киши кўзига кўринган жамики нарсаси: тош борми, қўйнинг курак суяги борми, хурмо япроқлари, сопол идиш, ҳайвон териси, дарахт пўстлоғи борми — ҳаммасини ёзув дафтери ўрнига ишлатаверган. Масалан, греклар йиғинларда ўз фикрларини қоғоз парчалари эмас, сополга ёзиб топширганлар. Ривоятларга қараганда, бир грек олими китоб ёзиш учун ўзининг бор кўзалари, идиш-товуқларини чилпарчин қилиб синдирган экан.

Ҳиндистонда хурмо дарахти япроқларидан бутун бошли китоблар ёзишган. Япроқларнинг четларини текислаб қирқиб, кейин игна билан тикканлар. Китоб чиройли бўлиши учун қирқилган жойи сирланган ёки бўяб қўйилган.

Тош китоб — барча китоблар орасида энг узоққа чидайдиганидир. Бундан неча минг йиллар илгари Миср қабрлари ва ибодатхоналарининг деворларига ўйиб ёзилган ҳикоялар ҳозиргача сақланиб қолган.

Тош ва бронза китоблар жуда оғир, бунинг устига ҳарфларни ўйиб ёзиш қийин бўлган. Аммо тош сингари абадий чидайдиган ва ёзиш учун қоғоз каби оддий бошқа бирор материал борми? Лейард деган бир инглиз Ниневиянинг қадимги харобалари орасида Ассирия шоҳи — Асурбанипалнинг кутубхонасини топган. Бу ердаги барча китоблар лойдан ясалган эди.

Мирза саз тупроқ лойидан анчагина катта ва қалин тахта ясаб, учли таёқча билан белгилар чизган. Вавилонлик ва ассирияликлар худди шу усулда, текис ҳамда майда сатрли мих-хат билан бутун тахтани бир пасда тўлдириб юборганлар. Тахтани пишиқ қилиш учун у кулолга бериб куйдиртирилган. Бундай китоб деярли тош сингари қаттиқ ва маҳкам бўлган, ёнғин чоғида ёнмаган, намликда бузилмаган. Ниневия кутубхонасидан ўттиз мингта ана шундай тахталар топилиган.

ТАСМА КИТОБ

Кўпчилик фуқаролар учун одат тусига кирган ҳолат — газ асбобларини тунда ёқиқ қолдириш, газ билан иситиладиган печкалар назорат қилинмаслиги ҳам фожаияга олиб келмоқда. Поп туманидаги қишлоқлардан бирида тунда печкадаги газ ўчиб, қайта келиши натижасида уй эгаси ва унинг умр йўлдоши заҳарланиб, касалхонага ётқизилган. У ерда уй бекаси вафот этди.

Халқимиз “қишнинг бир кун қолса ҳам кўрк”, деб бежиз айтмаган. Шундай экан, бу даврга пухта тайёргарлик кўриш керак. Яъни, хонадонларни иситишда газ, кўмир қаби тафти ёқимли, аммо бепарволикни ёқтирмайдиган ёқилгилардан фойдаланишда эҳтиёткорликни эсдан чиқармайлик!

Ўз мухбиримиз.

НАҒМАСИ ЎТМАДИ

Ярим тунда Сарийоё туманидаги Сўфиён жамоа хўжалигида ҳаракатланиб келатган номаълум машина шу ҳудудда хизмат қилаётган вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини сергаклантирди.

“ВАЗ — 2101” русумли автомобиль тўхтатилганда ичидан 20-22 ёшлардаги норгул йигит чиқиб келди. У ўзини шу хўжаликнинг “Ғайрат” маҳалласида яшовчи М. Ғайрат деб таништирди. Машина юкхонасини кўздан кечирган ички ишлар ходимлари салкам 400 литр бензинни топиб олди. М. Ғайрат уни хўжалик ҳудудидан ўтувчи айланма йўл орқали қўшни Тожикистон Республикасига олиб кетаётгани аниқланди.

Суд залидан

БОЛАДА НИМА ГУНОҲ?

Суд залида бир-бирига орқа ўтириб эркак ва аёл киши ўтирибди. Улар орасига эса 13-14 ёшлардаги болакай жойлашиб олган. Катталар гоҳо унга қараб нимадир демоқчи бўлишар, аммо журъат эта олмасдилар.

Нихоят судья суд мажлиси-ни очик деб эълон қилди ва томонларнинг фикри эшитила бошланди.

– У болага муносиб тарбия беришга қодир эмас, – деди аёл ғазаб билан. – Ўғлим бегона, унга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш талаб этилади. Бу одам эса, – у собиқ умр йўлдоши билан кўришиб, – бу одам уни бозорда эски-туски нарсалар билан савдо қилишга мажбур қилапти.

– Бўлмаган гап, сира бундай қилмаганман, – эътироз билдирди эркак муштини туғиб. – У ўғлимни менга қарши қўйишга ҳаракат қилапти, ҳатто учрашиб туришимизга рухсат бермайди.

– У сиз ва ҳозирги умр йўлдошингиз билан кўришиб туриши шартмикан. Хотинингиз унга ерга жой солиб берар экан, ўз фарзанди эса каравотда ухлармиш.

– Нотўғри! – ўрнидан туриб кетди эркак. – Бир пайтлар шундай эди. Биз Никита ва Сергей учун хоналарни қайта жиҳозладик. Ҳозир шароит етарли!

Судья уни тартибга чақирди.

– Сиз айтинг-чи жавобгар, – мурожаат қилди у аёлга, –

Серёжа ўз отаси билан нега яшолмайди, деб ҳисоблаясиз?

– Менинг уйим мактабга яқин жойлашган. Серёжа эса ҳозир у ерга икки-учта транспортда бораяпти. Худо кўрсатмасин бу аҳволда йўлда бахтсиз ҳодиса рўй бериши ҳеч гап эмас.

– Мен ҳам гапирсам майлими, – деди Серёжа журъатсизгина.

– Сенга ҳеч ким сўз бергани йўқ, жим ўтир! – бобиллаб берди унга она.

У кўрқув аралаш жимиб қолди. Бунга кўрган ота бошини сарак-сарак қилиб, ўғлига қараб қўйди. Залга оғир сукунат чўкди.

– Ўғлингизга қўл кўтариб туришингиз тўғрими? – савол берди судья аёлга.

– Мен ҳеч қачон Серёжани урмаганман. Бу ҳақда қўшнилар, ана унинг ўзидан сўраб билишингиз мумкин.

Шу топда ўз тақдири ҳал бўлаётганига ақли етган ўсмир аста ўрнидан турди-да, онасига юзланиб деди:

– Ёдингиздами, ойи, дадам мени уйларида олиб кетаётганларидан бекатда бизни қувиб етиб қўлимдан ушладингиз-да, ура бошладингиз.



Отамни яхши кўрганим учун мени ёмон кўрасиз.

– Унинг айтганларига қулоқ солманг, – деди аёл ўсмирнинг сўзини бўлиб, – буларнинг барини ўйлаб топапти. Чунки унга отаси билан яшаш қулай. Аслида у ҳам, хотини ҳам маданиятсиз кишилар. Серёжа қачон уларникида яшаса ўқишдан қолиб кетади.

– Сиз болани сира урмаганман, дедингиз. Йил бошида худди шунинг учун маъмурий жавобгарликка тортилганингиз ёдингиздан кўтарилдими? – Шундай савол билан

мурожаат қилган судья аёлнинг жавоб қайтаришини кута бошлади.

– Майли, отасини шунчалик яхши кўрса униқиди яшай қолсин. Аммо судга отаси илгари судланганини маълум қилиб қўймоқчиман. Бунинг устига бирор тайинли жойда ишламайди. Умуман, бу хангомани собиқ эрим квартирани деб қилапти. Чунки уни рўйхатдан чиқармоқчиман.

Аёл эрига ғолибона қаради.

– Серёжа рўйхатдан чиқаришга аҳд қилганидан анча аввал меникига қочиб келган эди, – деди собиқ эр.

– Отам билан бирга яшайман! Менга униқиди туриш маъқул келади! – Серёжа катталар яна баҳслашишдан хавотирга тушиб, отасининг бағрига ташланди...

– Ҳа, шу ўринда она отага ҳисбатан моддий ва турмуш шароити жиҳатдан анча устунликка эга, – деди мазкур суд жараёнига раислик қилган Тошкент шаҳар А. Икромов тумани туманлараро судининг судьяси Х. Тўрахўжаев. – Аммо бу бола унга топширилишини аңлатмайди. Суд биринчи галда боланинг хоҳиши ва манфаати, уни ҳомийликка олган идора, руҳшуноснинг фикрини инобатга олиб иш кўради. Биз шундай қарорга келдик: ўсмир ўз нуқтаи-назарига эга ёшда. Шу боис унинг отаси билан яшаши ҳақида ажрим чиқардик. Бундай ҳулоса онанинг бола тарбияси, унинг келгуси тақдирини ҳал этишда иштираётган этиши, у билан мулоқот қилиши тақиқланади, дегани эмас.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, ҳаёт жуда мураккаб. Кечагина эркак ва аёл бир-бирини севарди, айрилиқда ҳатто бир кун ҳам яшолмайдигандек туюларди, бугун эса... Агар бугун бир-бирингизга бегона кишига айланган бўлсангиз, шуни унутмангки, фарзанд учун иккингиз ҳам бирдек азиз ва керакли одамларсиз.

И. САЙФУТДИНОВА.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Самарқанд тумани ИИБ томонидан Мунира Равшановна НАБИЕВА қидирилмоқда. 1982 йилда туғилган, Самарқанд тумани Ф. Қосимова жамоа хўжалигида яшаган. 2001 йил 8 декабрь кун тахминан соат 10.00 ларда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160–165 см, сочи қора, узун, қош-кўзлари қора, бурни узун, тўла гавдали.


Кийимлари: бошида кўк рўмол, эгнида гулли, қизил рангли кўйлак, оқ-сарик плашч, кўк-қизил лозим, оёғида калиш бўлган.



Ховос тумани ИИБ томонидан Одил Ботирович ХУДОЙБЕРДИЕВ қидирилмоқда. 1980 йилда туғилган: Ховос тумани "Фарход" ширкатлар уюшмаси Ҳамза кўчаси 26-уйда яшаган. 2000 йил 31 декабрь кун уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 172 см., ўртача гавдали, кўзи кўк, сочи қора, калта, лаби ингичка, киррабурун, тепа ўрта тиши касалланган.

Кийимлари: бошида қора телпак, эгнида қора калта пальто, қора костюм-шим, қора водолазка, оёғида қора туфли бўлган.



Сирдарё тумани ИИБ томонидан Фуломжон Эралиевич АХМЕДОВ қидирилмоқда. 1983 йилда туғилган. Сирдарё тумани "Малик" жамоа хўжалигида яшаган. 2001 йил 20 ноябрь кун уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165–170 см., қорачадан келган, сочи қора, қошлари қора, сийрак, кўзлари билинар-билимас гилай.

Кийимлари: эгнида қора калта пальто, қора шим, оқш водолазка, оёғида оқ кроссовка бўлган.



Чуст тумани ИИБ томонидан Вали Алиевич АБДУЛЛАЕВ қидирилмоқда. 1984 йилда туғилган, Чуст тумани Балиқчи қишлоғида яшаган. 2000 йил сентябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160–165 см, кўзлари, сочи, қошлари қора, пешонаси кенг, юзи чўзиқроқ.

Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки ҳаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БИР ЧОЙНАК ЧОЙ

Саттор бува анчадан буён кўрпа-тўшак қилиб ётарди. Кампири Зарбиби хола дунёдан ўтди-ю, чол ўзини ўнглолмади, бир неча ҳафта ичида чўкиб, ҳассага таяниб қолди.

Уйли-жойли бўлиб кетган фарзандлари ҳолидан хабар олиб туришса-да, ўзи билан қолган кенжаси Қодиржон онаси вафотидан кейин хотини измидан чиқолмай, ота-ўғил ўртасида кўринмас тўсиқ пайдо бўлди. У кечкурунлари отаси ётадиган хонага бирров бош суқиб, "Аҳволлар қалай, бобой, ётибсизми зерикмай?" дея номигагина ҳол сўраб кўярди.

Буванинг бирдан-бир овунчоғи ва куюнчаги кенжа невараси Дилшоджон эди. Бироқ у ҳам эрталаб бочага кетганича пешинда келарди. Ўртанча невараси Севара билан каттаси Шариф мактабда ўқишарди.

Кенг уйнинг қайвониси бўлиб уйда келини Машхура қолар, ўзига оро бера-бера чошгоҳларда кўчага отланарди. Ўзининг ибораси билан айтганда, "бизнес қилишга". Аслида у бировнинг дўпписини бошқасига кийдириш билан шуғулланарди.

Бугун ҳам у соат ўнларда кўчага йўл оларкан, қайнотасининг: "Қизим, бир чойнаккина чой дамлаб бериб кетинг", деган илтижосига рўйхушлик бермади. "Сабр қилинг, газ йўқ ҳозир", деди энсаси қотиб. Сўнг кўча эшигини кулфлаб, калитни сумкасига соларкан: "Дам чой, дам овқат бу дарди-сарға!" деб гижиниб қўйди.

Келини кетгандан кейин Саттор бува хўрлиги келиб анча ётди. Ҳаёлига кампири

келди. Оҳ, энди у кунларни эсласа...

Раҳматли жуда хокисор аёл эди. Ўзи касалванд бўлишига қарамай чолига гард юқтирмас, овқати-овқатда, чойи-чойда, ҳамиша иззатини жойига қўярди. "Оҳ, онаси, онаси... кенжанг туғилганида қанчалар қувонгандинг қариганда суянчигимиз бўлади деб. Бир умр кўнглига қарадинг, еру кўкка ишонмасдан сояпар қилиб ўстирдинг. Дашном берганимда неча бор хафа бўлардинг..."

Томоғи қуруқшаб бува зўр-базўр ўрнидан турди. Измига бўйсунмаётган оёқларини судраганча ҳассасига таяниб минг азобда ошхонага етди. Маҳол-сиз қўллари билан човгумни тўлатиб газга қўйди ва титраганча гугурт чақди: газ гуриллаб ёнди. Келинининг "газ йўқ" дея кўрсатган нағмасидан кўнгли ўқсиб бош чайқаркан, нурсиз кўзларига филт этиб ёш келди ва деворга суянганча илтижо қилди: "О, қодир эгам, нима ёмонлигим бор эдики, мени бу қўйларга солмасанг!..."

Сўнг қийнала-қийнала хонасига қайтиб, бир амаллаб ўрнига чўзилди. Ҳаёли яна саодатли кунларига кетди. "Не-не умидлар билан уйлантиргандик ўғлингизни. Ўшанда ҳам унинг кўнглига қарадинг, тенглари-миз четда қолиб, кимсан "Раҳмон палончи"нинг қизига оғиз солдинг. Неча бор остонасига бош урдинг-а ёлвориб. Ёсингдами, онаси, тўйдан кейин бир ҳафта ўрнингдан туролмай ётганинг. Майлиди-я ҳаммаси бинойи бўлса. Афсус, элнинг "Тенг тенги билан" деган нақлини писанд қилмадинг. Ўзининг ҳам дардинг ичингда кетди..."

Орадан қанча вақт ўтди, бува сезмади. Бир маҳал чой қўйгани эсига тушиб ўрнидан турди ва ҳассасини дўқиллатиб ошхонага йўл олди. Ошхона эшигини очиб чироқни ёқди.

Қолган воқеалар кўз очиб-юмганча бўлиб ўтди. Чироқ ёқилиши билан қулоқни қоматга келтирувчи кучли портлаш юз берди ва даҳшатли бир куч чолни деворга олиб бориб урди. Шу заҳоти ёнғин бошланиб, дераза-эшик пардалари лов этиб аланга олди, полга солинган поёндоз тутай бошлади.

Юзтубан йиқилган Саттор бува ҳеч нарсани аңламас, қалин тутун ичида кўзлари ачишиб, оғир-оғир нафас оларди. Олов тиллари энди эшик-дераза, стол-стуллари ялаб, бор нарсани домига тортарди. Бува кучсиз қўлларига таяниб айвонга интилди, унинг юз-кўзлари оловдан қуйиб кетган, эгнидаги яктаги қорайиб, елкасидан тутун кўтариларди. Олов эса кучайгандан-кучайиб, уйнинг бошқа хоналарига ўрлар, қоп-қора тутун таратиб шитоб билан ёйиларди...

...Бува касалхонада ўзига келди. Бутун бадани зиркирар, қимирлашга ҳоли йўқ эди. Зилдай киприкларини кўтариб ёруғ дунёга боқишга уринар, лекин кўз ўнги қоп-қора зимистон эди. Шу қўйи нима ҳодиса рўй берганини аңлашга тиришар, лекин бунинг ҳам иложи йўқ эди.

Ҳа, чолнинг заиф миёси бундан бир неча соат илгари унинг газга чой қўйгани, кейин кампири билан ўтказган хуш-ҳол кунларини эслагани, сўнгга қалбини эзаётган тош-

дай оғир ғамлардан кўз юмиб бирпас гафлат уйқусига берилгани, бу пайтда човгумдаги сувнинг қайнай-қайнай оловни ўчирганини идрок этишга имкон бермас эди.

Яхшиям қўни-қўшнилар бор экан, ёнғинни кўриб, бири "Тез ёрдам"га, яна бири ўт ўчириш хизматига югуришди.

... Кўчадан қайтган келин билан Қодир узокдан уйлари-ни кўриб кўзларига ишонишмади. Уйнинг тоmidан ном-нишон қолмаган, эшик-ромларсиз деворлари қорайиб ётарди. Ичкарида ҳам бирорта ярайдиган буюм кўринмас, ҳамма нарса хўл, остин-устун эди.

Машхура эс-хушини йўқотиб, додлаб юборди.

– Вой-дод, уйим қўйди, хону момим қўйди!

Ёнғиннинг газдан чиққанлигини эшитгач, бутунлай ақдан озиб, оғзидан боди кириб шоди чиқа бошлади.

– Ҳе чой ичмай заҳар ичгур, миёсиз қари эшак! Шунча йиллаб емай-ичмай йиққанларим ёниб кул бўлди! Вой-дод, энди нима қиламан!...

Бир ёқда Қодир жазавага тушиб додларди:

– Уйим қўйди, уйим қўйди!...

Ҳозир уларнинг аянчли аҳволини кўрган ҳар қандай тошбағир одам ҳам чидаб туролмасди. Бироқ ҳақиқатан кўз юмишнинг иложи йўқ: аслида бу уйнинг пойдеворидан томигача Саттор буванинг биласи билан бино этилган, ҳар қарич паҳсасига раҳматли Зарбиби аянинг пешона тери сингиган эди.

Лекин ҳозир уйнинг ҳақиқий эгаси на келиннинг, на ўғилнинг ҳаёлига келмади, уларнинг бутун фикру зикри ёниб кулга

Воқеий ҳикоя

айланган мол-мулкда эди. Фақат бир чеккада хиқиллаб йиғлаётган кенжа неварасига "бу-вам, буважоним" деб шивирларди, холос.

Кун ботиб, борлиқни зулмат қоплаганда ҳам Машхура жаврашдан тўхтамади. Ҳодисадан хабар топиб етиб келган қайноғаларию овсинларидан ҳам ҳайикмай, бечора қарияни гўрдан олиб гўрга тикди. Унинг қарғишларидан безган қўни-қўшнилар бирин-кетин уйлари-га кириб кетдилар.

Қодир ҳамон ўзи билан ўзи овора, хотинига бир оғиз "ҳолинг не" деб қўймади. Бу эса аёлнинг қайнаб турган жажлини баттар тоширди.

– Бас, етар! Бу ерда ортиқ қололмайман, елкамнинг чуқури кўрсин бу жаҳаннамни! – шанғиллади у. – Қани, тушларинг олдимга икковинг ҳам, кетамиз бу уйдан!

Шундай дея у Севарани турткилаб, Дилшоднинг орқасига уриб, олдида солди-да, йўлга равона бўлди. Йўлини тўсмоқчи бўлган Қодирга ўшқирди: "Қоч-э, сен ҳам эркакмисан, ҳезалак!"

Ўзи илгаридан дон олишиб юрарканми, Севара тез кунда бир бизнесменга ноқонуний хотин бўлиб тегиб кетди.

Аммо барчасига Худо холис ҳакам, ҳаммасини кўриб-сезиб тураркан. Ўша йили қишда Машхура катта йўлни кесиб ўтаётганида сирпаниб, машина тагида қолди. Синган оёғини кесиб ташлашдан бўлак чораси топилмади. Бизнесмен эри эса давлат мулкни ўғирлашда айбланиб, саккиз йилга қамалиб кетди.

Оқибат нима бўлди? Отахонга бир чойнаккина чой дамлаб берилганда эди...

К. ҚҶҶҚОРОВ.

Бир жиноят тафсилоти

ҚИЛҒИЛИКНИ ҚИЛИБ...

Тун ярмидан оққан. Бедил кўчаси бўйлаб ўкдек учириб бораётган автомашина мотоциклда кетаётган К. Расулни босиб кетди. Жабрдийда оғир ҳолда касалхонага ётқизилди. У орадан тўрт кун ўтиб ҳушига келмай вафот этди. Жуфтани ростлаган ҳайдовчи эса воқеа жойида тўхтаб, жабрдийдаги ёрдам кўрсатиш ўрнига думини тутқазмай қочиб қолган эди.

— Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди, — дея ҳикоя қилади милиция подполковниги С. Зайнитдинов. — Тезкор-тергов гуруҳи таркибига тажрибали ходимлардан милиция майори А. Хўжамов, милиция капитанлари С. Сатторов, Р. Зоҳидов, ИПХ катта инспектори, милиция лейтенанти Б. Тўраев, милиция капитани Э. Кенжаев киришди.

Воқеа жойи кўздан кечирилганда топилган ашёвий далиллар мотоциклчини “ВАЗ-2108”, “ВАЗ-2109” ёки “ВАЗ-21099” русумли машиналардан бири босиб кетганидан дарак берар эди. Бунга кейинчалик гувоҳларнинг ҳўргазмалари ҳам тасдиқлади.

Ўн кеча-кундуз давомиди тезкор-қидирув гуруҳи аъзолари 600 дан ошқ автошинани текшириб чиқишди. Машаққатли изланишлардан сўнг бир “Жигули” эгаси В. Шавкат машинасини хусусий устахонага таъмирлаш учун топширгани аниқланди. “Жигули”нинг кузови пачақланган, чироклари синган эди.

Суриштирув чоғида ҳайдовчи мазкур йўл-транспорт ҳодисасини содир этганини, сўнг қўрқоқлик қилиб қочиб кетганини тан олди. Унга эҳтиётсизлиги, қўрқоқлиги оқибатида бир инсон ҳаётдан кўз юмганини айтишганида, Шавкат анча пайтгача ўзига келолмади. “Умримнинг охиригача ўзимни кечира олмайман”, — деди у афсуснадоматини яширолмай. Аммо минг тавба-тазарру қилсин, марҳумни тирилтириб бўлмайди-ку...

Д. Салоҳитдинова,
Самарқанд.

Аллоҳ томонидан инсонга ато этган хусусиятлар орасида нафс ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки нафс-ни жиловай билиш, ақл-заковат билан иш юритиш ҳам инсоннинг олий фазилатидир. Лекин қаҳрамони-миз чимбойлик Сагинбой Кулмағанбетов “Ел-Абат” деҳқон-фермер хўжалигига раис бўлди-ю, инсонийликнинг эзгу хислатларини унутиб, нафс жиловини қўйиб юборди. Албатта, бунда фақат унинг ўзини айблаш ҳам адолатдан бўлмас. Чунки у тасодифий пайдо бўлган очофат маҳлуқ эмас-ку, бир бошдан еб кетаверса. Тўғри, мансабга мингач, нафс майли жунбушга келиб, жигилдо-ни катталашганини, туя тугул филни ҳам ҳазм қилиб юборишини сезди. Лекин шунда ҳам эҳтиёткорлик билан иш кўрди. Дастлаб чорвачилик фермаси бошлиғи Жийенбой Есеметовнинг кўнгилга қўл солиб кўрди.

— Суғуртада ҳикмат кўп. Бунинг учун эса аввал суғурта идораси раҳбарларига икки бош қорамол бериш керак. — деди.

— Ўзингиз биласиз бошлиқ, — бош эгди Жийенбой. Сагинбой худди шу жавобни кутиб турганди. Фермадан икки мол кетса-да, уни

НАФС БАНДАСИ

ҳеч ким изламаслиги Сагинбойни янада руҳлантириб юборди. Иккинчи чорвачилик фермаси бошлиғи М. Наврузбаев итоаткорликда ҳамкасбига пахса қўйди. Шунингдек, П. Далекеев ҳам раис марҳаматидан қуруқ қолмай деб садоқату итоаткорликда ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Қизиги шундаки, улардан ҳеч бири “нима учун?” деган саволни беришмади, истиҳола қилишди. Натижада эса Сагинбой Кулмағанбетов уч-тўрт йил ичида 62 бош қорамолни гум қилиб юборди ва “Ел-Абат” деҳқон-фермер хўжалигига 1179282 сўмлик зиён келтирди.

Лекин қишлоқ аҳли буниси ҳали ҳолва эканлигини сал кейинроқ билишди. Чунки раҳбарлар яламураликда тажрибали раисга туманнинг “Бузатов” ширкат хўжалигини топширишди. Бу ерда ҳам Сагинбой бутун маҳоратини ўз фойдаси йўлида ишлатди. Тонготар Жийенбаев жавобгарлигидаги 17 бош молнинг 4 тасини арзимас баҳоналар билан олиб, Чимбой бозорида 295000 сўмга сотиб юборди. Сагинбой сомон бировники бўлгани

билан сомонхона ўзиники эканлигини унутди. Юқорида қайд қилинган ҳолатлар яна икки марта содир этилди. Бўкишига бир баҳа қолганида ҳуқуқ-тартибот ходимлари етиб келиб, ҳаром луқмани бўғзидан тортиб олишди.

Тажрибали терговчилар томонидан унинг жигилдо-ни текширилиб қўрилганда кўп нарса ойдинлашди. Бу ҳақда “Ел-Абат” деҳқон-фермер хўжалигида яшовчилар ҳозиргача ҳайратдан ёқа ушлаб гапиришди. Чунки ўшанда Сагинбой чорвачилик фермаси бошлиқлари билан “Бўзатов” ширкат хўжалигида “ин” қурган очофатнинг фаолиятига чек қўйилди. Нафси қулига айланган Сагинбой Қулмағанбетов охи-роқибат юзи шувит бўлиб, қилмишлари учун тегишли жазосини олди.

Д. Худойшукуров,
Чимбой тумани.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Фарғона шаҳар ИИБ томонидан бедарак йўқолган куйидаги фуқаролар қидирилмоқда:



Буллат Нугманович КАСЕВ. 1946 йилда туғилган. Фарғона шаҳар Комиллов кўчасида яшаган. 1997 йил июнь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Кийимлари: эғнида қора костюм-шим, оёғида қора туфли бўлган.

Белгилари: бўйи 164 см., тўладан келган, сочлари қора.



Неъмат Хожиматович ХУЖАЕВ. 1963 йилда туғилган. Фарғона шаҳар Широқ кўчаси, 27-уйда яшаган. 1998 йил октябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Кийимлари: эғнида кулранг камзул, кўк рангли эғни калта қўйлак, кулранг шим, оёғида оқ кроссовка бўлган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., ўртача гавдали, бўғдой-ранг, сочлари сариқ, калта, кўз-қошлари қора, қошлари қалин.

Умид Абдуҳалилович АБДУЖАЛИЛОВ. 1978 йилда туғилган. Фарғона шаҳар Оқариқ кўча, 207-уйда яшаган. 1999 йил февраль ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Кийимлари: бошида қора телпак, эғнида қора чопон, қора шим ва оёғида махси-калиш бўлган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., қошлари қалин, ўзи оқ-сарикдан келган.

Азиз Тоиржонович КАХ-ХОРОВ. 1982 йилда туғилган, Фарғона шаҳар А. Навоий кўчаси, 72-уй, 42-хонадонда яшаган. 2001 йил сентябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., қорачадан келган, юзи узунчоқ, бурни катта япалоқ, қошлари ва қўзлари қора.

Кийимлари: эғнида қора шим, эғни узун кўк қўйлак, оёғида туфли бўлган.

Турдихон ҒОҒУРОВА. 1943 йилда туғилган, Фарғона шаҳар Шодиева кўчаси, 187-уйда яшаган. 1999 йил сентябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Кийимлари: эғнида ҳаворанг эғни узун гулли қўйлак, қўлида майда гулли сумка бўлган.

Белгилари: бўйи 158-160 см., тўладан келган, сочлари қора-оқ тушган, сариқ металлдан тишлари бор.

Солила УМИРЖОНОВА. 1917 йилда туғилган, Фарғона шаҳар Гулзор кўчаси, 124-уйда яшаган. 1996 йил декабрь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., оқ-сарикдан келган, юзини ажин босган, сочиға оқ оралаган, яхши сўзлаша олмайди.

Кийимлари: эғнида кўк пальто, бошида қора рўмол, кўк катта қўйлак, оёғида калиш бўлган.

Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

“ЁМОНГА ЁНДОШДИМ...”

Қаҳратон қиш кунда бошпана сўраб келган Адҳамжон Иловиддиннинг уйдан паноҳ топди. Бунинг эвазига бир кун миннатдорчилик рамзи сифатида унга икки жуфт калиш, бир оз миқдорда шоколад ва сақич олиб келиб берди. Берган ҳудуда ҳам ёқибди, деганларидек Иловиддин сўрамай-нетмай калишни оёғига олиб, сақич ва шоколадларнинг таъминини олди. Аммо ўша текин сақичлар бир кун келиб бўғзига қадалишини, калиш эса оёғига миҳ бўлиб ботишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Бир кун унча-мунча майда-чуйда олиб келган Адҳамжон Иловиддиндан уларни сотиб беришни илтимос қилди. Буларнинг ўғирлик нарсалар эканлигини билган Иловиддин нарсаларни Сайхунбод туманида яшовчи сингисига сотиш учун олиб борди. Иловиддин арзон-гаров моллар учун Адҳамжонга 16 минг сўм пул бериб, оғзини ёпди.

Текин нарсаларнинг таъминини шимиб ўрганган Адҳамжон кап-катта одам Иловиддинга ўғирлик қилишни таклиф этди.

17 ёшли А. Сойибназаров илгари Янгйер шаҳар суди томонидан судланган. Унга нисбатан ёшлиги инобатга олиниб синов муддати қўлланилиб, қамоқдан озод қилинган эди. Бахт шаҳрига келиб Иловиддиннинг уйдан паноҳ топган Адҳамжон шаҳарни изғиб “Темирйўл” кўчасидаги дўконларнинг қўриқланмаслигини билиб олди. Бир гал дўкон деразасининг илгачини суриш йўли билан очди. У ердаги нархи 93 минг 880 сўмлик буюмларни пардага ўраб олиб чиқди.

Кейинги гал яна бир дўконга тушган Адҳамжон 70 минг сўмлик мол-мулкнинг эгаси бўлди. Уларни Гулистон шаҳар бозорига олиб бориб арзон-гаровга пуллади. Қолган-қутгани билан Иловиддиннинг чакагини ўчирди. Еган оғиз уялар, деганларидек, Иловиддин унинг ўғирликлари ҳақида миқ этиб бировга оғиз очмасди. Олди-берди орқасидан ҳамтовоқлар жанжаллашиб қолишди. Иловиддин уни олдиға солиб қувди.

Шу кун И Адҳамжон ўзи кўз қс-

тига олган дўкон олдида кетмади. У дўкон эгаларининг кетишини узоқ, интизорлик билан кутди. Ва, ниҳоят, тунги соат ўн иккиларга бориб атроф сув қуйгандек тинчиди. Адҳамжон аввал чойхона томига чиқди. Чойхона билан дўкон ўртасидаги фанер томни тешиб, дўкон ичига осонгина тушди. Қўлига илинган нарсаларни қопга тика бошлади...

Қандайдир юмуш билан шу ердан ўтиб кетаётган дўкон эгаси Алишер Ибрагимовга кимдир ичкарида юргандек туюлди. Машинани тўхтатиб, ичкарига яхшилаб разм солди. Ҳақиқатан ҳам ичкарида кимдир гурут чақиб юрарди. У дўконнинг орқа томонидаги дарчага икки шеригини қоровул қилиб қўйди. Ўзи эса дўконни очиб ичкарига кирди. Аммо дўконда ҳеч ким йўқ эди. Дўкон томига чиққан А. Ибрагимов томга қапишиб олган ўғрини ўша ердан ушлади ва милицияга топширди.

А. Сойибназаровга паноҳ бериб, унинг ўғирлик молларидан баҳам кўрган И. Жумаев ҳам жавобгарликка тортилди.

Шоҳиста БОЗОРБОВА,
Сирдарё вилояти.

Қисқа сатрларда

СОХТА “ПОСБОНЛАР”

Фурқат туманидаги Кўк дўппи қишлоғида 36 ёшли Иномали Жамоллов Бешариқ шаҳар марказида кечки соат ўнларда олдини тўсиб чиққан икки навқирон йигитни кўриб, чўчиб кетди. Ўзини “халқ посбонлари” деб таништирган забардаст йигитлар унинг ёнидаги 650 сўм пул, эғнидаги нархи 10 минг сўмлик жемперини ечиб олишиб, “қуён” бўлишди. Бироқ сохта “посбонлар” узоққа кетолмадилар. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари уларни қўлга олдилар.

ДЎСТ ХИЁНАТИ

Кўқон шаҳрида яшовчи 35 ёшли Маъруф Йўлдошев кўчада таниши, 1973 йилда туғилган Раҳим Қурбоннов билан гап таллашиб қолди. Муқаддам судланган Маъруф қўлидаги пичоқ билан Раҳим Қурбонновнинг кўкрагига уч маротаба уриб, воқеа жойидан қочди. Қурбоннов зудлик билан касалхонага ётқизилди. Йўлдошевни эса ички ишлар ходимлари қўлга олдилар.

М. КИМСАНБОВ.

Шунақаси ҳам бўлади

Абдуманноб байрам баҳона ота-онасини кўргани борди. Ўша кун қарияларни зиёрат қилиб, бир оз суҳбатлашиб, дуоларини олиш учун қўшни аёллар ҳам чиқишди. Болалиги ўтган маҳалла аёллари Абдуманноб билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашишди. Уларни зимдан кузатиб турган Абдуманнобнинг кўзи уч уй нарида яшайдиган Маржон опанинг тилла тақинчоқларига тушди.

“Эри катта дўконда мудар бўлганди, роса йиққан-да, даври келганда” — деб қўйди ичида Абдуманноб.

Ўша кун укаси билан озгина отамлашган Абду-

“ОҚСОҚ” ЎҒРИ

манноб эртага шу ердан ишга кетарман деб, ётиб қолди.

Ярим тунда кундузи ўйлаб қўйган ниятини ошириш учун қўшнисининг хонадонига кирди. Ўғирликнинг анча ҳаддисини олган йигит, ярим соатда уйни “тозалаб” чиқиб кетди.

Уй эгалари эрта тонгда воқеадан воқиф бўлиб, милицияга хабар бердилар. Милиция ходимлари қидирув ити билан келишди. Из олган ит тўғри Абдуманнобнинг ота-онаси яшайдиган уйга бошлаб борди ва супа ёнида турган туфлини қаттиқ тишлаб, из шу туфли-

дан эканлигига ишора берди. Туфли Абдуманнобники бўлиб, ўзиники ўрнига укасининг янги туфлисини кийиб, тонг қоронғусида уйдан чиқиб кетганди.

Абдуманнобни қидириш ишлари бошланди. Унинг яшаш жойи ҳужжатларда Тошкент туманида эканлиги кўрсатилган. Лекин у қайд этилган уйда ҳеч ким яшамас, қўшниларининг айтишича, гоҳ-гоҳида Абдуманноб келиб, хабар олиб тураркан.

Қўнларнинг бирида ППХ ходимлари бозорда ичиб олиб, муштлашаётган икки йигитни олиб келишди.

Улардан бирининг қиёфаси худди Абдуманнобникига ўхшашини пайқаб қолган ходим, менга хабар берди. Мен аввалига узоқдан, кейин яқинига бориб йигитни кузатдим, Абдуманнобнинг худди ўзи эди. Кейин суриштирувга чақирдим. У исми Абдусалом эканини айтди. Абдуманноб менинг укам, мен акасиман деди. Ҳақиқатан ҳам Абдуманнобнинг акаси бор ва оқсоқ эди. Йигит сирини ошкор қилмаслик учун бир томонга оқсаб қадам ташларди. Ходимлардан суриштирсам чап томонга оқсайди дейишди. Кейин Абдуманноб билан ҳовлига чиқдик. Мен, ундан укасини топишда ёрдам беришни сўрадим. Ўзи айбига иқроор бўлиб келса, жазо енгиллашини ту-

шунтирдим. Ҳовлида борарканмиз, у ўнг томонга оқсай бошлади. Шу дамда кинология бўлими ходими ит етаклаб олдимиздан ўтиб қолди. Одамларни искаб ўрганган ит бизни ҳам ҳидлай бошлади. Йигитни искаб туриб, безовта ҳаракат қилди. Ранги қув ўчган йигит итдан ўзини олиб қочди, ит яна унга яқинлашганди, ура у чога бошлади. Кинолог йигит итни аранг ушлаб қолди. Йигит ҳовлида оқсоқланмай чунонам чопдики, кулгидан ўзимни тутолмай қолдим. Ҳовлининг нариги бурчига бориб:

— Итни олиб кетинглар, ҳаммасини айтиб бераман, — деб дудуқланарди.

М. МАМАРАСУЛОВ,
милиция капитани,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ШҶРОЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА (1917–1991 йиллар)

Машғулот раҳбари Октябр тўнтаришидан кейин Россия билан Бухоро ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтиши керак. Шу борада Марказий Осиё республикалари миллий-давлат чегаралари ҳақида тўхталиб, Бухоро ХСР, Хоразм ХСР, кейинчалик эса Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон ССРларнинг ташкил топиши, ушбу даврда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида тўхталади. Машғулот раҳбари Шўро ҳокимияти доимий равишда халқларни асоратда ушлашга ҳаракат қилганлигини, халқ эрки ва озодлиги, миллат келажаги учун қайғурганлар қатоғин қилинганлигини далиллар асосида кўрсатиб ўтиши лозим.

Шўролар диктатураси шароитида миллатларнинг маданияти, тили топталди. Қисқа вақт ичида алифбонинг икки мартаба ўзгартрилиши ўзбек тили ривожига салбий таъсир кўрсатди. 1929 йилда ўзбек ёзуви лотин алифбосига, 1940 йилдан эса кириллица алфавитига ўзгартрилди.

30-йилларда шахсга сиғиниш авжга чиқди. Бу даврда раҳбар ходимларга шубҳа билан қараш, "халқ душманлари"ни аниқлаш ва ҳибсга олиш, турли "мухолифийат" гуруҳларни фош қилиш кучайди. Шундан сўнг "синфий душманлар" ва уларга хайрихоҳларни ҳамма жойдан қидириб топиш бошланди. 1937-1939 йилларда Ўзбекистонда ҳибсга олин-

ган 41 минг кишининг 37 минг турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди, қолган қисми отиб ташланди. Ватанга содиқ минглаб зиёлилар йўқ қилинди. Жумладан, сиёсий арбоблардан Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Султон Сегизбоев, ўзбек халқининг машҳур шоир ва ёзувчиларидан Абдулла Қодирий (1894-1938), Фитрат (1886-1937), Чўлпон (1897-1938), кейинроқ Усмон Носир (1912-1944) "халқ душмани" сифатида машъум истибод қурбони бўлдилар.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида бу инсонлар номи қайта тикланди ва Тошкент шаҳрининг Юнусобод даҳасида уларнинг хотираси абадийлаштирилиб "Шахидлар хиёбони" ташкил этилди.

Мамлакатда индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, маҳаллий муҳит имкониятлари эътиборга олинмади.

1932 йилга келиб Ўзбекистон иттифоқ пахтасининг 60 фоизини етказиб берди. Пахта ялпи ҳосилининг охиши экан майдонларини чексиз кўпайтириш ҳисобига бўлди.

1941 йил 22 июнда гитлерчилар Германияси СССРга ҳужум қилди. Уша кун милакатда ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги ҳақида фармон эълон қилинди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб зудлик билан фронт манфаатларига бўйсундирилди. Фронт ор-

қаси районлари қатори Ўзбекистонга жуда катта аҳамият берилди. Чунончи Марказий Осиё ва Қозоғистон республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 100 дан ортиғи Ўзбекистонга жойлаштирилди. Келтирилган корхоналарни ниҳоятда қисқа муддатларда ишга туширишга эришилди. 1942 йил 1-ярмида эса барча саноат корхоналари тўлиқ қувватда ишлаб муҳофаа учун маҳсулот чиқара бошлади.

Ўзбекистон фронтга қарийб 2 минг самолёт, 1,7 мингдан зиёд авиамотор, 22 млн. дона мина, 500 млн. дона ўқ, 2 млн. авиабомба, 1 млн. граната, 3303 минг парашют, 5 бронепоезд ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. 1941-1943 йилларда бу ерда 280 янги саноат корхонаси қуриб ишга туширилди. 1945 йил ёзига қадар 155 минг нафардан ортиқ ўзбекистонликлар Россия, асосан Сибирдаги кон, қурилиш, саноат ва ўрмон кесиш ишларига ишчи батальонлари (марди-кор) сифатида сафарбар қилинди.

Уруш йилларида аҳоли таркибида ҳарбий хизматчилар оилалари, эвакуация қилинганлар, уруш ногиронлари, етим болалар деб номланган ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлди. Ўзбекистонга 1 млн. дан ортиқ киши (шундан қарийб 200 мингга болалар) эвакуация қилинди. Уларга 135 минг кв. метр ҳажмида уй-жой ажратиб берилди. Турли миллатга мансуб етимлардан

оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи 15 болани, каттакўрғонлик Ҳамид Самадов 13 болани, самарқандлик Фоти-ма Қосимова 10 болани қарамоғига олиб тарбиялади. Уруш йилларида жами 4,5 минг бола ўзбек оилаларига фарзанд қилиб олинди. Республикада уруш даврида 30 та ҳарбий госпитал жойлаштирилди. Ўзбекистон аҳолиси муҳтожлик ва руҳий қийинчиликларга қарамай ўз шахсий жамғарма ва мулкларидан 1941-1945 йилларда фронт учун 650 млн. сўм пул, 22 млн. сўмлик қийим-кечаклар, қимматбаҳо буюмлар, 56 кг. қимматбаҳо металл тўплаб бердилар.

Ўзбекистонлик жангчилар Украина, Белоруссия, Кавказ ва Болтиқбўйи ерларини, Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Югославия ва бошқа давлатларни фашизм асоратидан халос этишда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатдилар.

Уруш йилларида бир миллиондан ортиқ ўзбекистонлик фуқаро жангларда қатнашди, уларнинг 400 мингга яқини шахид бўлди, яъни ҳар учтасидан биттаси жанггоҳлардан қайтмади. Фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзидан 52 минг киши жанг майдонларида қолиб кетди. Галаба халқнинг қони, ҳаддан ташқари машаққатли меҳнати, миллионлаб бегуноҳларнинг жонлари эвазига қўлга киритилди.

Ватанимизда истиқлол йилларида миллий қадриятларнинг

тикланиши II жаҳон уруши йилларида шахид бўлганларнинг хотираларини адабийлаштиришга ҳам имкониятлар берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 9 май "Хотира ва Қадрлаш кунини" деб эълон қилинди. Мамлакатимиз бош майдони – Мустақиллик майдонида барча вилоятлардан урушга кетиб қайтмаган юрдошларимиз хотиралари абадийлаштирилган мемориал комплекс барпо этилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи ўлка сифатида қаралиши унинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланишига олиб келди. Хусусан, Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Саноат, халқ хўжалигининг бошқа соҳалари тараққиёти пахтачилик манфаатларига бўйсундирилди. 1946 йил февралда қабул қилинган қарорда Ўзбекистонда 1946-1953 йилларда пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш режалари ва тадбирлари белгилаб берилди. 1950 йилда пахта экиладиган майдон қарийб урушдан олдинги даражага етди, пахта хом ашёси ҳам 50 фоизга кўпайди. Натижада республикада пахта яккахўкимлиги яна авж олдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиби билан ишлаш бўлими.

БОЛАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Фарзандларимиз саломатлиги биз учун ҳамма нарсадан азий. Шундан бўлса керак, ота-она ўғил-қизининг бахтли ҳаёти, фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида ўз оромидан, вақти келса саломатлигидан воз кечиб, куну тун меҳнат қилади. Лекин айрим ота-оналарнинг эътиборсизлиги, бе-парволиклари оқибатида автомобиль йўлларида болалар иш-тирокидаги бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб турибди.

Шу йилнинг 3 январь кунини соат 11.15 ларда Тошкент-Чирчиқ йўлида Қибрай туманида яшовчи М. Қодиров ўзига бириктирилган "РАФ-2203" русумли автомашинада кўчанинг ўнг томонидан чап томонига ўтаётган пилда – Чирчиқ шаҳар 9-мактабнинг 2-синф ўқувчиси С. Каримжоновни уриб юборади. Содир этилган ушбу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида С. Каримжонов тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

Хўш, нима сабабдан йўл-транспорт ҳодисалари юз берди? Йўлларда содир бўлган бу каби йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили бу саволга жавоб излайди. Таҳлиллар айрим ҳолатларда болалар томонидан қоидабузарликка йўл қўйилганлигини кўрсатади. Асосан "Йўл ҳаракати қоидалари"ни яхши билмаслик ёки унга амал қилмаслик, йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтиш, автомобиллар қатнов қисмида турли ўйинлар ўйнаш, транспорт воситасига осилиш,

кутилмаганда автомобиллар олди-га югуриб чиқиш, йўлчиноқлар талабига бўйсунмаслик аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Бунда, албатта, фарзандларимиз ота-оналар назоратидан четда қолаётганини алоҳида таъкидлашни истардик.

Болаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш борасида уларга таълимни оиладан бошлаб берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, бола ўта тақдирчи бўлади. Ота-онасининг ҳар бир ҳаракатини зумда илғаб ўзида кашф этади. Шундай экан, жажжи болакайларнинг қўлидан етаклаб кўчага чиққанда ҳар бир ота-онанинг ўзи йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя этиши зарур. Шунда биз кўзланган мақсад – фарзандларимиз хавфсиз ҳаракатланишига эришамиз.

И. САИДКАРИМОВ,
милиция капитани.

"01" ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикаимиз ҳудудларида 217 дан зиёд хонадонларда ёнғинлар содир бўлганлиги қайд этилди. Улардан отказилган моддий зарар миқдори 1,5 млн. сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Турли сабабларга кўра юзга келган бу ёнғинларда 8 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олиб, бир фуқаро эса бешафқат ёнғинлар чанғалида бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Маълумки, аксарият ёнғинлар аҳоли турар жойларида содир бўлиб, оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик, уйлардаги иситиш печлари ва мосламаларнинг носозлиги, уларни ёққ ҳолда назоратсиз қолдириш оқибатида, электр ускуналарни ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ва болаларнинг шўхлигидан келиб чиқмоқда.

Тошкент тумани Ю. Тўхтаев кўчасида истиқомат қилувчи Ф. Саъдуллаев хонадонидан иситиш печининг мўриси носозлигидан ёнғин содир бўлиб, унинг томи,

шифти ва уй жиҳозлари зарарланган.

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи У. Искандарованинг хонадонидан иситиш печини ёқиб, уни назоратсиз қолдирилиши ва печнинг ўта қизиб кетиши сабабли ёнғин чиқиб, уйнинг катта қисми ёнган.

Сиёб туманида яшовчи Г. Цой ва С. Каннинг уйлари ҳам юқоридаги сабаб туфайли куйиб қулга айланди.

Кейинги пайтда фуқароларнинг газдан нотўғри фойдаланишлари оқибатида ҳам ёнғинлар

содир бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Андижон шаҳридаги Тожик кўчасида яшовчи бир оилда ота-онаси 5 ёшли қизчасига газ плитасида қайнаб турган чойни дамлашга буюрадилар. Плита устидаги човғум қайнаб, тошиб оловни ўчириб қўйган бўлади. Лекин газ чиқиб ётади. Мафтуна газга гутурт ёқади, газ ва ҳаво аралашмаси алангаланиб кетади. Натижада қизча 8 фоизли куйиш тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

Айрим ҳолларда катталарнинг айби билан ёш болалар жабр кўрмоқдалар.

Республика ИИБ ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси юрдошларимизни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишга, очик оловдан, газ ускуналаридан ва иситиш мосламаларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларига амал қилишларига чақиради.

Д. ҚАМБАРОВ,
ички хизмат лейтенанти.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ш. Ибрагимовга отаси

Отаназар ИБРАГИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарманинг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Н. Тохтаевга онаси

САПУРА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция подполковниги В. Амбарцумянга акаси

Сергей Мовсесович АМБАРЦУМЯНнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ раҳбарияти ва шахсий таркиби муассаса бўлим бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти

Раббим Гаппарович ТОЛИБОВнинг фожиаи ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги Р. Жўраевга волидаи муҳтарамаси

АРОПАТХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ички ишлар идоралари фахрийси, уруш қатнашчиси

Пётр Прохорович БЕЛЯЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги милиция полковниги

Данил Петрович СИНЯВСКИЙнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib

B. AZIMOV

Navbatchi:

B. TOSHEV

Musahhihlar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir

o'rinbosari 139-77-23.

Mas'ul kotib 139-73-88.

muxbirlar

bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun

faks: 54-37-91

Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:

21596000200447980001, MFO 00014.
ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J.
20210000300447980002 MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma **Г — 56.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 9.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraj **47231** nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.